

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

## LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>67.Уразова Р.</b> МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	511
<b>68.Улашова С.</b> АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА ҚАВЧИНЛАР.....	526
<b>69.Aminova A.M., Umarov J.O.</b> BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....	533
<b>70.Усманова З., Тишабаева Л.</b> ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....	537
<b>71.Қобулов Э., Ражабова С.</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....	541
<b>72.Ходжаева Л.Ш.</b> ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	548
<b>73.Ходжамбердиев Х.Э.</b> СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....	554
<b>74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.</b> BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA .....	562
<b>75.Қурбонов Э.Э.</b> ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....	567
<b>76.Юлдашева М.М.</b> БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....	572
<b>77.Хосиятов Х.О.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....	577
<b>78.Хакназаров Х.Д.</b> КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....	583
<b>79.Хатамова З.Н.</b> ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....	590

- 80. Холмўминов Ҳ.Э.**  
ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ  
ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ).....596
- 81. Худойкулов Т.Д., Халилов Ж.С.**  
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК  
ВА САВДО.....604
- 82. Ўтанов Х.Ш.**  
XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНИНГ  
ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....615
- 83. Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б.**  
ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ  
БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....625
- 84. Юлдошева Б.М.**  
XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА  
ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....636
- 85. Фаффоров Я.Х.**  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ  
ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....643
- 86. Шайдуллаева Г.Ш.**  
БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ  
ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА  
АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....651
- 87. Yakubova Sh.A.**  
O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....659


# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Худойкулов Тўлқин Дўстбобоевич,  
тарих фанлари номзоди, доцент  
tulqinxudoyqulov@umail.uz

Халилов Жамолiddин Содиқович,  
Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети  
Шахрисабз филиали

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ХУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО

*For citation: Khudoykulov Tulkin Dostboboievich, Khalilov Yamoliddin Sodykhovich. OWNERSHIP OF LANDS, SHARBORING AND TRADE IN THE KOKAND KHANATE. Look to the past. 2020, SI, pp.604-614*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-81>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Қўқон хонлигининг XVIII аср охири - XIX аср ўрталаригача бўлган ижтимоий ҳаётида ерга эгалик қилиш муносабатлари, хунармандчилик ва савдо алоқалари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, Қўқон хонлигининг айрим ҳукмдорлари даври сиёсий парокандалик, иқтисодий тушкунлик ва ўзаро урушлар билан изоҳланса, айрим ҳукмдорлари даври сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий ҳаётнинг тараққиёти ҳақида айрим маълумотлар берилади.

**Калит сўзлар:** Қўқон хонлиги, Шахрихонсой канали, Янгиариқ канали, тегирмон, тим, раста, Хўжанд, Ўратепа.

Худойкулов Тулқин Достбобоевич,  
кандидат исторических наук, доцент  
tulqinxudoyqulov@umail.uz

Халилов Ямолиддин Содыхович,  
Ташкентское Государство им. Низами  
Педагогический университет  
Шахрисабзский филиал

## ВЛАДЕНИЕ ЗЕМЕЛЬ, КУСТАРНИЧЕСТВО И ТОРГОВЛЯ В

## КОКАНДСКОМ ХАНСТВЕ

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются земельные отношения, ремесла и торговые отношения в общественной жизни Кокандского ханства с конца 18 до середины 19 веков. А также время управления некоторых правителей Кокандского ханства характеризуются политическими потрясениями, экономическими спадами и междоусобными войнами, дается некоторая информация о политической стабильности, экономическом развитии и прогрессе культурной жизни во время управления других правителей.

**Ключевые слова:** Кокандское ханство, Шахрихансайский канал, Янгиарикский канал, мельница, торговые ряды, лавки, Ходжент, Уратюбе

**Khudoykulov Tulkin Dostboboevich,**

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor  
tulqinxudoyqulov@umail.uz

**Khalilov Yamoliddin Sodykhovich,**

Tashkent State named after Nizami  
Pedagogical University  
Shakhrisabz branch

## OWNERSHIP OF LANDS, SHARBORING AND TRADE IN THE KOKAND KHANATE

### ABSTRACT

The article deals with land relations, crafts and trade relations of the Kokand Khan in public life from the late eighteenth to the nineteenth centuries. It also provides some information on the political disintegration, economic recession and stability, economic development and cultural life of the Kokand khanate.

**Index Terms:** Kokand khanate, Shahrikhansay chanel, Yangiariq chanel, mill, market, counter, Hujand, Uratepa.

**Д**олзарблиги. Ўзбек давлатчилиги тарихини илмий тадқиқ этиш, унга ҳаққоний баҳо бериш ва тўпланган тажрибадан ижодий фойдаланиш мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий - сиёсий ва маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун XX асрнинг охирига келиб жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон тарихини, хусусан ўзбек давлатчилиги тарихини ҳар томонлама ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек хонликларидан бири бўлган Қўқон хонлиги - Ўрта Осиё тарихи, унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти ва халқаро муносабатларида катта из қолдирган давлат бўлиб, унинг ҳар бир ҳукмдори юритган ички ва ташқи сиёсат ҳамда унинг оқибатларини ўрганиш алоҳида илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Қўқон хонлигининг айрим ҳукмдорлари даври сиёсий парокандалик, иқтисодий тушкунлик ва ўзаро урушлар билан изоҳланса, айрим ҳукмдорлари даври сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий ҳаётнинг тараққиёти билан изоҳланади.

XVIII асрнинг бошларида Фарғона водийсида шаклланган янги давлат - Қўқон хонлигига маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган минг уруғи асос солди. Хонликда марказлашган давлат тизими шаклланди, давлат чегаралари, маҳаллий бошқарув тизими, дин тартибга келтирилиб бир мунча осойишталик, элатлар ва қабилалараро тотувлик таъминланди, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида кенг қамровли муносабатлар ўрнатилди. Натижада иқтисодий ва хўжалик ҳаёти, савдо-сотиқ жонланди, маданий соҳада катта ўзгаришлар рўй берди. Шу билан бирга, Қўқон адабий муҳити шаклланди.

Халқаро муносабатларда Россия, Афғонистон, Хитой ва Ҳиндистон билан савдо алоқалари мустақамланди. Бундай силжишларнинг амалга ошишида Умархон (1810-1822) ва унинг ўғли Муҳаммадалихоннинг (1822-1842) хизматлари каттадир.

Умуман, мазкур мақола яна қуйидаги омилларга кўра долзарбдир:

биринчидан, хонликнинг ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритиш нафақат илмий, балки амалий аҳамият ҳам касб этиб, яқин ўтмишда кечган тарихий воқеаларнинг ҳаққоний талқини бугунги куннинг жуда кўп муаммоларига жавоб бериши ва тегишли хулосалар чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир;

иккинчидан, хонликнинг ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида кечган тарихий жараёнларни, унинг сабабларини ўрганиш ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи ва тажрибасини чуқурроқ ёритиш имконини беради.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма - кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда хонлик хўжалик ҳаётининг асосини ташкил қиладиган соҳа деҳқончилик, ерга эгалик қилиш муносабатлари, савдо ва ҳунармандчилик ҳақида айрим маълумотлар бериб ўтилади. Жумладан, водийда сув манбаларининг етарли эканлиги деҳқончиликда мўл ҳосил олишни таъминлаганлиги, хонликда XVIII асрга қадар ерларни суғориш учун сойлар ва жилғаларнинг сувларидангина фойдаланилганлиги, Қўқон хонлигида тахт учун курашлар ва сиёсий тарқоқлик давом этишига қарамасдан XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрда айрим туманларнинг суғориш тармоқлари тикланган ва янгилари қазилганлиги илмий асослаб берилган.

Ўзбекистон мустақилликга эришган кейинги даврда Қўқон хонлигининг тарихига оид туркум адабиётлар яратилди. Хонликнинг XIX асрдаги ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий аҳоли, маданий ҳаётининг айрим жиҳатларини илмий холислик, тарихийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этаётган олимлардан Ҳ.Зиёев, Ф.Аҳмаджонов, Ҳ.Фуломов, Ҳ.Бобобеков, Ш.Воҳидов, Н.Мусаев, Ш.Юсупов, Д.Зиёевларни айтиб ўтиш лозим.

Ҳ.Зиёев, Ҳ.Бобобеков, Ф.Аҳмаджонов, Ш.Воҳидовларнинг тадқиқотлари мавзунини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, Ҳ.Зиёевнинг асарларида хонлик тарихининг концептуал масалалари ёритилган бўлса, Ш.Воҳидовнинг илмий фаолияти хонлик тарихининг тарихшунослиги ва манбашунослиги масаласи, яъни Қўқон хонлигида тарихнавислик мактабининг шаклланиши, шу мактаб намояндalари асарларини излаб топиш, ўрганиш ва чоп этиш билан ажралиб туради. Ш. Воҳидовнинг илмий ишларида Қўқон хонлиги тарихчиларининг асарлари кодикологик жиҳатдан таҳлил этилган ва хонлик тарихи, маданий ҳаётига оид ўнлаб маҳаллий тарихий асарлар илмий муомалага киритилган.

Ҳ.Бобобековнинг илмий ишларида Қўқон хонлиги тарихи Россия матбуоти

материаллари асосида ёритилган бўлиб, олим ўтган асрнинг 80-90 йилларида хонлик тарихини янги илмий нуқтаи назар асосида холис ўрганилиши кераклигини ёқлаб чиққан. У биринчилардан бўлиб хонликдаги халқ ҳаракатларини ўрганиб, уларнинг мустамлакачиликка қарши кураш эканини асослаб берган. Унинг асарлари ўрганилаётган мавзунини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Ғ.Аҳмаджоновнинг асарларида хонлик тарихи тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган. Муаллиф томонидан ўзбекистонлик олимларнинг Қўқон хонлиги тарихини тадқиқ этишда тутган ўрни ва қўшган ҳиссалари кенг таҳлил қилинган.

Қўқон хонлигининг ижтимоий - сиёсий ҳаёти, иқтисодий аҳволи, маданияти каби баъзи масалалар бир қатор тадқиқотларда қисман ёритилган. Бундай тадқиқотлардан В.Ишқуватов, З.Илҳомов, Л.Турдалиев, М.Жабборов, Н.Алимова, Ш.Отахонов, М.Абдурахмонов, О.Пуговкина, У.Абдуллаев, Б.Турсунов, Ў.Султонов, Ш.Маҳмудовларнинг тадқиқот ишларини эслаб ўтиш мумкин. Хусусан, З. Илҳомовнинг тадқиқоти Алиқули амирлашқарни Қўқон хонлигининг XIX асрдаги сиёсий ҳаётида тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этган бўлса, Б.Турсуновнинг тадқиқотида эса Қўқон хонлигидаги ҳарбий ҳолат ёки бошқарув хонликнинг ҳарбий сиёсатидан келиб чиқиб таҳлил қилинган.

Таъкидлаш лозимки, Қўқон хонлигига тегишли Жанубий Қозоғистондаги мулкларнинг ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги баъзи жиҳатлари XXI асрнинг бошларида қозоғистонлик олимлар томонидан ҳам ўрганилмоқда.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Хонликда ип ва ип газлама ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши, бу маҳсулотларни Россия ва у орқали Шарқий Европа мамлакатлари бозорларида кўплаб сотила бошлаши, уларга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши суғорма деҳқончилик ерларини кенгайтириш ҳамда янги ерларни ўзлаштиришни тақозо этаётган эди. Шунинг учун ҳам XIX аср Қўқон хонлиги хусусан, Фарғона водийсининг суғорилиши тарихида янги даврни бошлаб бердики, айнан шу даврдан бошлаб, водийда йирик суғориш иншоотлари, ариқлар, каналлар, тўғонлар қурила бошлаган. Масалан, Сирдарёнинг асосий ирмоқларидан бўлган Норин ва Қорадарёлардан сув оладиган Шаҳрихонсой канали, Наманган янги ариғи, Чинобод ариғи, Андижонсой ва бошқа суғориш тармоқларининг қазилиши Фарғона водийсида суғориш тармоқларини кўпайиши, суғориладиган майдонларининг сезиларли даражада кенгайиши ҳамда деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ривожланишига олиб келган.

Қўқон хони Олимхон ҳукмронлиги йилларида Фарғона водийсининг жанубий ҳудудларидаги сув таъминотини яхшилаш учун Сўх дарёсидан олти ариқ қазилган ва ҳозирги Олтиариққа асос солинган.[1, Б.298] Бу даврда Наманган воҳасида сув таъминотини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш учун Наманган вилояти ҳокими Сайидқулбек Норин дарёсидан сув олувчи Янгиариқ каналини қуриш учун рухсат олди. [5, Б.19-20]

Янгиариқ каналининг қазилган йили ҳақида илмий тарихий манбаларда турлича маълумотлар бор. Чунончи, архив ҳужжатларида канал 1800-1803 йиллари қазилган деб ёзилган.[6, Б.13] А.Ф. Миддендорф, С.Соатовлар уни 1803 йилда, В.П. Наливкин эса 1819 йилда қазилган деб кўрсатади. XIX аср матбуоти саҳифаларида ҳам Янгиариқ канали 1803-1811 йилларда бунёд этилган, деб ёзилган.[7] Лекин топограф Н.Жилин ва архив маълумотларига таянган ҳолда канални 1800-1803 йилларда Олимхон даврида бунёд этилган деб таъкидлаш мумкин.

Умархон даврида, яъни 1811 йилда Янгиариқдан Заркент ва Фирвон

қишлоқларига қараб ариқ чиқарилган. Бу ариқ Фарғона водийсининг суғорма деҳқончилиги тарихига Мутаган ариғи номи билан кирган. Мазкур ариқ Заркент қишлоғининг куйи қисмларидаги ерларни сув билан таъминлаган.

1813 йилида Наманган ҳокими Қипчоқ Мирза Сирдарёнинг ўнг соҳилида бўш ётган ерларни ўзлаштириш учун Янгиариқ каналини узайтириб Қирғизқўрғонгача етказган. Унинг узайтирилиши Наманган шаҳрининг жанубий қисмида сув таъминотини яхшилади. Янгидан суғорилган ерларда маккажўхори, буғдой, арпа, полиз экинлари экилган.

1819 йилда Қўқон хони Умархон фармони билан Янгиариқ канали яна узайтирилиб, унинг узунлиги 120 чақиримга етказилди. Янгиариқ канали қазилгандан кейин Наманган воҳасида 5 та сой, 195 та ариқ мавжуд бўлиб, улар орқали 131 та қишлоқ ва 45 та чорвадорларнинг қишлоқ ерлари суғорилган, сув таъминоти ва назорати билан 4 та мироббоши ва 66 та мироб шуғулланган. [8,С.30]

Янгиариқ канали қурилиши билан Наманган воҳасининг сувга бўлган эҳтиёжи тўла ҳал этилмаган. Чунки, Наманган шаҳри ва унинг атрофларидаги қишлоқларини сувга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш учун 337-340 тегирмон сув керак бўлгани ҳолда 1821 йилгача мавжуд 129 та қишлоқ ва 40 та қишлоқхоналар ҳамда 276та тегирмон сув билан таъминланган.[9,Б.22]

Шунинг учун ҳам 1819-1821 йилларда Наманган шаҳри ва унинг атрофларидаги қишлоқлар ва экин майдонларининг сув таъминотини янада яхшилаш учун Назарўлмас қишлоғи яқинида Норин дарёсидан сув оладиган Хонариқ канали қазилган. Унинг сув сифими 83 тегирмонга тенг бўлиб, у Наманган шарқининг шарқий қисми ва атрофдаги 23 та қўшни қишлоқлардаги сув таъминотини яхшилаган.

Умархон даврида қурилган Шаҳрихонсой канали Шаҳрихон шаҳрининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ. У XVIII асрдан бошлаб қишлоқ тарзида маълум бўлган ва Асака, Ходим, Сегеза қишлоқлари билан бирга Аравансой ва Оқбўранинг Аравонга қўшиладиган ғарбий тармоғидан суғорилган. Кейинроқ, бу ерга Қўқон ва Марғилондан кўплаб аҳолининг кўчиб келиши, Шарқий Туркистондан келган 20 минг мухожирларни жойлаштирилиши туфайли экин майдонлари ва суғориш иншоотларига бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиб кетиши сабабли Умархон Оқбўра сувларининг Ўшдан ортган қисмини Андижонга ўтказмай Аравансойга ташлашга буйруқ берган. Натижада Фарғона водийсининг Шаҳрихон воҳаси ерларини суғориш ишлари жадаллашиб кетган. Бу ҳудуддаги ерларни ўзлаштириш учун ҳатто Қўқондан бир гуруҳ маҳбуслар ҳам олиб келиниб, улардан алоҳида қишлоқ ташкил қилинган ва унга "Дорилмон" деб ном қуйилган.

Шаҳрихонсой 1811 йилда қурилган бўлиб, уни айрим китобларда "Наҳри Умархоний" деб тилга олинган.[10,Б.21] Шаҳрихонсой сувлари билан Фарғона водийсининг шарқий ҳудудлари, жумладан Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Ойим каби мавзелари суғорилиб, бу ҳудуддаги кенг майдонлар ўзлаштирилган. Ўзлаштирилган янги ерларда 1450 хўжалиқдан иборат янги қишлоқларга асос солиниб, 250 минг таноб (41-42 минг)га яқин ерлар ўзлаштирилган.

1820 йили Марғилон ерларини суғориш учун Шаҳрихонсойдан узунлиги саккиз чақирим бўлган Устамбоғ ариғи, Гуратепа ва Момохон мавзеларини суғориш учун Эшонбобо ариғи чиқарилди.

Қўқон хонлигида суғориш иншоотларини барпо қилишнинг маълум тартиб-қоидалари мавжуд бўлган. Суғориш тармоқлари ва уни қуриш ишлари икки гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга ҳажм жиҳатдан кичик суғориш тармоқлари киритилиб,

уларни қуришда асосан шу суғориш иншоотларидан фойдаланувчи қишлоқ аҳолиси иштирок этган ва уларга маҳаллий мутасадди кишилар, мироббошилар бошчилик қилган. Иккинчи гуруҳ суғориш иншоотларига ҳажм жиҳатидан катта ва йирик каналлар киритилиб, уларни бунёд қилиш ишларига хонликнинг турли вилоятларидан қазувчи - ҳашарчилар жалб этилган. Бундай иншоотлар қурилишига бевосита хон ёки унинг жойлардаги вакили бошчилик қилган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсида суғориш тармоқларининг ривожланишида муҳим роль ўйнаган омиллардан яна бири бу ерга муҳожир халқларнинг кўчириб келтирилиши бўлган. Хусусан, 1829 йилда Шарқий Туркистондан 70 мингга яқин уйғурлар хитойликларнинг жазоларидан кўрқиб Муҳаммадалихон қўшинига эргашибкелган ва улар водийнинг шарқий туманларига, яъни Оқбўра дарё водийсининг юқори қисми, Қуршоб водийси, Ўзган атрофлари, Кўгартсой водийсининг Жалолобод ва Сузоқ худудлари Шаҳрихонсой, Ёзёвон, Андижон атрофларига жойлаштирилган.[11,С.18] Натижада бу худудларда янги ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқлар барпо этилган.

XIX асрнинг 60-70 йилларида Фарғона водийсидаги ўз даври учун улкан иншоот ҳисобланган Қўқон хонлигининг сўнгги даврида, яъни 1868-1871 йилларда қурилган Улуғнаҳр ариғи баъзи олимларнинг таъкидлашича, Фарғона водийсидаги энг катта суғориш канали ҳисобланади.

XIX асрнинг 70 йиллари охирида Қўқон хонлигида бўлиб ўтган сиёсий воқеалар туфайли канал қурилишига бағишланган ёзма манбалар жуда кам сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам уни қуришдан кўзланган мақсад тарихчи олимлар асарларида турлича талқин қилинади.

В.С. Батраковнинг ёзишича, канални қуришдан мақсад Андижоннинг шимолий қисмида жойлашган ерларни суғориш бўлиб, канал қурилиши Россия империяси томонидан Қўқон хонлигининг тугатилишига қадар давом этиб, у Ёзёвонгача қазилган ва 1875 йилда фақат унинг ярми қуриб битказилган.[12,С.120]

Тарихчи олимлар И.Пўлатов ва А.Мустафоевларнинг таъкидлашларича, Улуғнаҳр каналининг қурилишидан асосий мақсад хонликнинг пойтахти Қўқон шаҳрини сув билан таъминлаш бўлгани учун у Қўқон шаҳригача қуриб битказилган.[2,С.47] Бу каналнинг қурилиши билан илк бор Марказий Фарғонанинг жануби - шарқий худудидаги ерларни суғориш борасида қадам қўйилган.

Хонликда деҳқончилик экинларининг аксарияти Ўрта Осиё хонликлариغا хос бўлиб, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзовот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳамда ипакчилик яхши ривожланган. Донли экинлардан маккажўхори етиштириш кенг тарқалган бўлиб, у шаҳар ва қишлоқларда камбағалларнинг асосий истеъмол маҳсулоти ҳамда мол озуқаси ҳисобланган. Шунингдек, XIX асрга келиб хонликда пахтачилик соҳасига катта эътибор берила бошлаган ва бу ўсимлик экиладиган майдонлар ҳажми тўхтовсиз кенгайиб борган.

Водий ғарбий қисмининг табиий шароити боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун жуда қулай бўлган. Жануби-ғарбий Хўжанд, Конибодом, Исфара, Сўх, Чимён, Риштонхудудлари асосан ўрик етиштиришга тўла ихтисослашган. Бу даврда бутун Фарғона водийсида тут дарахти кенг тарқалиб, у тоғ олди ва қадимги деҳқончилик воҳаларидан ҳисобланган Сўх, Исфара, Наманган, Аштда ипакчилик учун қадимдан ўстирилиб келинган.

Фарғона водийсининг тоғли худудлари, тоғ ён бағирлари ва адирларидан кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли қишлоқ ва яйлов учун унумли фойдаланган.

Шу билан бирга бу ҳудудлар баҳорги ва кузги лалми деҳқончилик учун қулай бўлган.

Хонликда ер ва сув ҳукмрон табақаларники ҳисобланиб, ерга эгаликнинг 4 тури мавжуд бўлган. Улар: 1. хирож ерлар - ер эгаларининг хусусий ерлари; 2. Давлат ёки амлок ерлар - хонга қарашли ерлар, ўрмонлар, тўқайлар, йўлу-кўприклар; 3. Хусусий ерлар - хоннинг махсус фармойиши билан йирик амалдорларга берилган ерлар (суюрғол); 4. Вақф ерлар - диний муассасаларга, яъни масжид, мадраса, мазорларга қарашли ерлардир. Бундан ташқари қишлоқ жамоасига тегишли ерлар, қўл ва адирлар ҳам бўлиб, улардан аҳоли умумий асосда фойдаланган.[3,С.27]

Амлок хон ихтиёридаги ер бўлиб, у "замини хос", деб ҳам аталган ва ундан келадиган барча даромад хоннинг ихтиёрида бўлган. Бундай ерлар хон томонидан айрим гуруҳ ва шахсларга берилган. Ерни олган киши, уни ўз ҳисобидан суғориб, олган ҳосилдан хонга солиқ тўлаган ва бу солиқ миқдори хирождан ортиқ бўлган.

Ерга эгаликда мулк, ижара, урғу, танҳо шаклларида ҳам фойдаланилган. Мулк - бойларга қарашли бўлган хусусий ерлар бўлиб, улар деҳқонларга ижарага берилган. Ижара - муайян шартлар асосида бериладиган барча кўчмас ва кўчадиган мулк - ер, ариқ, тегирмон, тим, раста, улов ва бошқаларни ўз ичига олган мулк шакли бўлса, урғу - мусодара қилиш йўли билан хон мулкига айлантирилган ёки гуноҳқорни қўлга олишда жонбозлик қилган шахсларга берилган ер ва бошқа мол-мулкдир.

Танҳо - ҳукмдор томонидан алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга амлок ерлардан баъзиларини инъом этилиши туфайли пайдо бўлган мулк шакли бўлиб, бундай ерларда солиқ йиғиш ҳуқуқи танҳо эгалари - танҳодорларга берилган. У ўзига берилган ер, бир нечта қишлоқ, ҳатто катта мулкнинг йиллик ёки ярим даромадини ҳадя сифатида олган. Баъзан киши бир умр танҳодор бўлган ва ўғли хон марҳаматига сазовор бўлса, танҳодорлик мерос тарзида давом этган. Ҳарбийларга танҳо ёки хирож тақдим этилса, у тархон, деб аталган.

Хонликда меҳнаткаш аҳолининг турмуши оғир бўлиб, уларнинг кўпчилигида ер бўлмагани сабабли катта ер эгаларининг ерларида ишлаб кун кечирганлар. Ўз кучини сотиш эвазига тирикчилик қилувчи бундай деҳқонлар чоракорлар деб аталган. Ер эгасига ёлланиб, унинг от-улови ва иш қуролларидан фойдаланиб деҳқончилик қилган чоракор хирожга, етиштирган ҳосилнинг 1/5 қисмини хирожга тўлагач, қолган ҳосилнинг 3/4 қисмини ер эгасига топширган. Унинг ўзида ҳосилнинг 1/4 қисми қолган. Агар чоракор пахта ёки оқ маккажўҳори экиб деҳқончилик қилган бўлса, юқоридаги чиқимлардан сўнг унга ҳосилнинг 1/3 қисми қолган. Қишлоқ аҳолиси тирикчилик учун яна бошқа юмушларни ҳам бажарган. Масалан, ҳосил пишиб етилгунча эркаклар мардикорлик, аёллар эса яйловларга чиқиб чорвачилик билан шуғулланганлар.

Суғориш тармоқларининг мавсумий таъминоти деҳқонлар зиммасига юклатилган. Улар ҳашарларда иштирок этганлар, баъзан 15 кунгача ишлаб анҳор ва ариқлар қазиганлар.

Тадқиқотчи В.Наливкин ва М.Наливкиналар Қўқон хонлиги ҳудудида яшовчи аҳолининг турмуш тарзини ўрганиб, камбағал деҳқонлар, ҳаттоки майда олиб сотарлар томонидан ҳам таланади ва ўрта, қуйи табақа вакиллари деярли гўштли овқат истеъмол қилишмайди, деб ёзадилар.

Қўқон хонлиги шаҳар аҳолисининг иқтисодий ҳаётида ҳунармандчилик ва косибчилик муҳим ўрин тутган. Узоқ ривожланиш тарихига эга бўлган Қўқон

хонлигида ҳунармандчилик ихтисослашган. Ҳунармандчиликда ҳатто буюмларнинг бир тури ва бирор қисмини ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар мавжуд бўлган. Буни айниқса тўқувчилик, темирчиликда кузатиш мумкин. Ҳунармандлар ўз касбининг сир-асрорларини мукаммал ўзлаштирган моҳир усталари бўлиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини юксак санъат даражасига кўтара олганлар.

Ҳунарманд усталар ишлаб чиқарган маҳсулотларининг сифат даражаси юқори бўлишини таъминлашга ҳаракат қилган. Бозордаги кескин рақобат эса уларни ўз касблари сирларини махфий сақлашга ундаган. Касб-ҳунарларнинг нозик жиҳатлари фақат фарзандлар, баъзан айримлари шогирдларигагина ўргатилган ва у шу йўл билан авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Кўқон хонлигида мамлакат пойтахти ва бошқа барча шаҳарлар аҳолисининг асосий қисми ҳунармандчилик ва касибчилик билан шуғулланган. Маҳаллалар ўзи ихтисослашган ҳунарига қараб маҳсус устахона, тим ва дўконларига эга бўлган. Буни шаҳарлардаги маҳаллалар ва кўчаларнинг номларидан ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчиликнинг ривожини бир хил бўлган бўлсада, ишлаб чиқариш ўзининг айрим хусусиятлари, яъни маҳсулотнинг тури, сифати билан ажралиб турган. Ҳунармандчиликнинг темирчилик, заргарлик, тўқувчилик, дегрезлик, кулолчилик, мисгарлик ва бошқа тармоқлари[4] кенг ривожланган бўлиб, хонликнинг ҳар бир шаҳри муайян соҳада ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан донг таратган. Жумладан, Кўқон шаҳри заргарлик ва қоғоз ишлаб чиқариш, Шаҳрихон ва Чуст тикувчилик ҳамда темирга ишлов бериш, хусусан пичоқчилик, Марғилон, Наманган ва Андижон эса ипак газламалари, Тошкент ўзининг тикувчилик, тўқувчилик, чўян, темир-мис маҳсулотлари билан шуҳрат топган. Хонлик ҳунармандчилиги ҳақида А.П. Хорошкин берган маълумотларга кўра, унинг эътиборга лойиқ соҳаси Наманган, Кўқон ва Марғилон шаҳарларида атлас, шойи, адрас ва беқасам матоларининг ишлаб чиқарилганлигидир.

Усталар кўпчилик шаҳарларда, айниқса Кўқонда жуда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарганлар. Кўқонда тажрибали усталар кўп бўлиб, улар ўз маҳсулотларини санъат даражасига кўтарган ҳолда доимий буюртмачи ва мижозларга эга бўлганлар. Бу эса уста-ҳунармандларнинг доимий иш билан таъминланиб турганларидан далолат беради.

Айниқса, Кўқон ҳунармандлари ишлаб чиқарган газлама ва металл буюмлар анча сифатлилиги билан ажралиб турган. Кўқонда темирчилик маҳсулотларига талаб катта бўлган. Чунки улар жамият хўжалик ҳаётида алоҳида ўрин тутган ва бу маҳсулотлардан қишлоқ хўжалиги ҳамда уй-рўзғорда кенг фойдаланилган.

Хонликнинг бутун ҳудудида бўлганидек Кўқон шаҳрида ҳам ишлаб чиқариш қўл меҳнатига асосланган бўлиб, асосий ҳунар хиллари ип ва ипак матолар тўқиш, оёқ кийими тайёрлаш, терига ишлов бериш, сопол идишлар тайёрлаш, темирчилик, эгар-жабдуғ ясаш, бўёқчилик, мисгарлик, заргарлик, дурадгорлик, аравасозлик, ҳарбий қурол ишлаб чиқариш, ўймакорлик, мум ишлаш, писта кўмир тайёрлаш, каштачилик, дўппичилик, қалин томлар ёпиш ва шу кабилардир.

Шунингдек, хонликда порох ишловчи ва қоғоз тайёрловчи устахоналар ҳам бўлган. Қоғоз ишлаб чиқариш ҳунармандчилик ва касибчиликнинг муҳим тармоғи бўлиб, А.П. Федченко 1871 йилда бу маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини, яъни Кўқон қоғозини тайёрлашни ўз кўзи билан кўрган ва уни батафсил баён қилиб берган. Унинг хулосасига қараганда, Ўрта Осиёда фақат Кўқон шаҳрида қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бироқ, ўрганилаётган даврда бу соҳа Россия

саноати ишлаб чиқарган арзон фабрика қоғозларининг хонлик бозорларини эгаллаши натижасида бутунлай касод бўлган.

Хонликда қуролсозликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу тармоқ шаҳар ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг обрўли соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланган. Қўқон шаҳрида замбараклар, милтиқлар, қиличлар, пичоқлар, ханжарлар, қалқонлар, найзалар ва бошқа ҳарбий анжомлар тайёрланган.

Қўқон жамияти ҳаётида савдо муносабатлари алоҳида ўрин тутиб, савдо-сотик ички ва ташқига бўлинган. Ички савдо ўтроқ деҳқонлар, кўчманчи чорвадорлар ва шаҳар-қишлоқ ҳунармандлари ўртасидаги анъанавий маҳсулот айрбошлашга асосланган. Аҳолининг кундалик эҳтиёжлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар билан тўла таъминлаб турилган. Барча ички савдо чакана бўлиб, улгуржи савдо деярли бўлмаган.

Ҳунармандчилик ва касибчилик савдо билан яқин алоқада бўлган. Ҳунармандлар аксарият ҳолларда ўз товарларини ўзлари сотганлар. Деҳқон ва чорвадорлар эса ҳафтанинг муайян кунлари ўз молларини бозорда сотганлар. Шу билан бирга, хонликда олибсотарлик ҳам кенг тарқалган. Бозорлардаги нарх-наво бир хилда турмаган. У хонликдаги тинчлик - осойишталик, урушлар, об-ҳавонинг ёмон келиши оқибатида ҳосилдорликнинг пасайиши каби омилларга қараб ўзгариб турган.

Мамлакатнинг энг асосий савдо ва тижорат марказлари Қўқон, Тошкент, Марғилон, Андижон, Хўжанд, Наманган, Ўш, Ўратепа каби шаҳарлар бўлиб, улар орасида Қўқон нафақат хонлик, балки бутун Ўрта Осиёнинг савдо марказларидан бири, деб ҳисобланган.

Қўқон бозорлари ўзининг товарларга бойлиги ва нарх-навонинг бошқа шаҳарларга нисбатан анча арзонлиги билан ажралиб турган. Шаҳарнинг деворлар билан ўралган катта бозорлари маҳаллий аҳоли ва четдан келган савдогорлар билан доимо гавжум бўлган. Потанин XIX асрнинг 20- йилларида Қўқонда олти бозор бўлганлигини қайд этган. Бозорлар якшанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ишлаган. Бу ерда қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, харидор ҳаққига хиёнат қаттиқ жазога тортилган.

Қўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида ташқи савдо ҳам муҳим рол ўйнаган. Мамлакат ғарб ва жанубда Бухоро, Хива, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, шарқда Хитой (Қашқар орқали), шимолда Дашти Қипчоқ кўчманчилари ва айниқса Россия билан кенг савдо муносабатларини ўрнатган. Манбаларда хонликка япониялик ва англиялик савдогарлар ҳам келганлиги кўрсатиб ўтилади.

Ташқи савдо карвонларда товар олиб бориш ва олиб келиш йўли билан амалга оширилган. Хонликнинг савдо карвонлари қуйидаги йўналишлар бўйлаб қатнаган:

1. Қўқон - Бухоро савдо йўли. Бу йўл икки йўналишда марказий шаҳарларни кесиб ўтган. Уларнинг биринчиси, Қўқон - Бешариқ - Маҳрам - Хўжанд - Ўратепа - Жом (Ём) - Работ - Жиззах - Самарқанд - Янгиқўрғон орқали, иккинчиси, Қўқон - Бешариқ - Маҳрам - Хўжанд - Ўратепа - Зомин - Жиззах - Самарқанд орқали ўтган ва савдо карвонлари 20-22 кунда Бухорога етиб борган.

2. Қўқон - Тошкент савдо йўлининг учта йирик йўналишлари бўлиб, биринчи йўналиш: Тилав ва Кандир довони орқали ўтиб, Тиловда икки шаҳобчага бўлиниб кетган. Бири Оҳангароннинг чап томонидан ўтиб, Курд орқали Бешкент, Тўйтепа ва Тошкентга борган. Иккинчиси эса Тилав ёнида Оҳангарондан ўтиб, Қорахитой қишлоғида иккига айрилган: бири Тўйтепага кетган, иккинчиси Қовардан Ниёзбек орқали Тошкентга келган. Бу йўл энг узун ҳисобланган ва ундан фақат сув

тошқинлари вақтида, яъни Тўйтепадан Тошкентга юриб бўлмаган вақтларда фойдаланилган.

Иккинчи йўналиш: Қўқондаги Учтоғи орқали Работ (Уральск станцияси) да икки шахобчага бўлинган. Бири - Бишкент ва Тўйтепага, иккинчиси чапроқ юриб, Бўка, Жафон, Занги ота қишлоғи орқали Тошкентга келган.

Учинчи йўналиш: Қўқон ва Намангандан Тирс орқали ўтган йўл. У Чотқолдан юқори кўтарилиб, Қорабура дарасидан ўтиб, Авлиё отага борган. Унинг бир шахобчаси чапга йўналиб Чимкент орқали Еттисув тоғи, Оқжар ва Қоплонбек билан Тошкентга келган. Бу йўлдан фақат ёзда фойдаланилган. Иккинчи шахобчаси Сайрам водийсидан Тилав орқали тоғдан ўтиб, Қўқонга борган. Аниқроғи бу Сайрам - Қўқон йўли бўлиб, у Сайрам водийсидан бошланиб, Еттисув - Оқжар - Дарбесикқопқа доवони - Александровск тоғлари - Хўжанд кўприги орқали Чирчиқ дарёсидан ўтиб - Кучқўрғон - Хитойтепа - Қанжиғалдан ўтиб Тилавга борган ва катта Қўқон йўли билан шаҳарга кирган. Бу йўл орқали асосан қўй подалари Авлиё отадан Қўқонга олиб келинган.

#### 4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида қўйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

- Қўқон хонлиги XIX асрнинг биринчи ярмида ўзининг ҳудуди жиҳатидан Ўрта Осиёда энг катта давлат тузилмаларидан бири бўлиб, унинг чегарали шарқда Талас водийси ва бугунги Қирғизистон, Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Шимолда қозоқ жузлари ва Сирдарё қуйи оқими, ғарбда Жиззах ва Ўратепа, жанубда Туркистон тоғлари ва Тожикистоннинг Дарвоз ва Помир мулкларидан ўтган.

- Хонлик ҳудудидаги Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Хўжанд, Ўратепа, Андижон, Наманган, Ўш ва бошқа шаҳарлар мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлари бўлган.

- Хонлик аҳолисини туркий ва эроний халқлар ташкил қилиб, улар ўтроқ ва кўчманчи, ярим кўчманчи тарзда ҳаёт кечирганлар. Водий ва шаҳарларда муқим яшаётган ўзбеклар ва тожиклар деҳқончилик, уй чорвачилиги, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланган бўлса, кўчманчи ва ярим кўчманчи қипчоқ, қирғиз, қозоқ ва бошқа туркий халқлар асосан чорвачилик билан шуғулланганлар.

- Хонлик хўжалигининг асосини суғорма деҳқончилик ташкил қилган. Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида сув манбаларининг етарли эканлиги деҳқончиликда мўл ҳосил олиш имкониятини яратган. Фарғона водийси, Тошкент, Хўжанд, Ўратепа ва уларнинг атрофларида суғорма деҳқончилик, тоғ олди ҳудудларда лалми деҳқончилик ривожланган. Экинларнинг аксарияти Ўрта Осиё хонликларида хос бўлиб, ғаллачилик, боғдорчилик ва полизчилик яхши ривожланган, ипакчилик кенг ёйилган. XIX асрга келиб, деҳқончиликда пахтачилик соҳасига катта эътибор берилди бошлаган ва пахта майдонлари ҳам тўхтовсиз кенгайиб борган. Пахтанинг асосий харидори эса Россия бўлган.

- XIX асрда хонликнинг хўжалик ҳаёти асосан ерга эгалик муносабатлари, суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик, косибчилик ва чорвачиликдан иборат бўлган. Хонлик иқтисодий ҳаётида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан бир қаторда ҳунармандчилик, чорвачилик ва савдо ҳам муҳим ўрин тутган.

- Хонликнинг асосий бойлиги ер бўлганлиги учун ҳосилдор ерларнинг аксарияти давлатники ҳисобланган. Хонликда ер эгалиги муносабатлари анъанавий тарзда давом этиб, ерга эгаликнинг давлат ёки амлок, вақф, жамоа, мулк, ижара, урғу, танҳо шакллари мавжуд бўлган. Ернинг асосий қисми хон, унинг оиласига тегишли

бўлган. Мамлакатда ерга эгалик, хўжалик ҳаёти, шаҳарлар ва ҳудудларининг бошқаруви ҳукмрон сулола, юқори табақа вакиллари ва йўлбошчи қабилалар бошлиқларининг қўлида бўлган.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

- 
- [1] Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент: 2000. - Б.298.
- [2] Пўлатов И., Мустафаев А. Из истории борьбы узбекского народа за воду // Учен. Зап. АГПИ. - 1955. - Вып. II.-С.47.
- [3] Хаклиев В. Сельская община Северной Ферганы в конце XIX - начале XX вв. (историко-этнографическое исследование): Автореф. канд. □ ист. наук. -Ташкент, 1998. - 27с.
- [4] Кўқон хонлари архивида улар номма-ном санаб ўтилган. Қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века.- Москва, 1968.
- [5] Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии.( XVI - середина XIX в.в.).- Москва: 1958.- С. 19-20.
- [6] ЎзР МДА. 19-фонд, 1-рўйхат, 290-иш, 13-варақ.
- [7] Туркестанские ведомости. 1880, № 24, - С.94.
- [8] Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины□ - С.30.
- [9] ЎзР МДА. 19-фонд,1-рўйхат, 290-иш, 22-вар.
- [1] .Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. - № 1312 . - Б. 21
- [1] Семёнов А.А. Отношение Кокандского ханства к Кашгару. Рукопись АН Уз ССР. инв. - № 78. -С.18.
- [1] Батраков В.С. Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Кокандского ханства // Труды САГУ. Нов. сер. вып. 62.кн. 8.-Ташкент: 1955. - С.120.

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000